

**и.ф.д., проф. Д.В.Расулова
Тошкет молия институти
“Иқтисодиёт
назарияси” кафедраси**


ИҚТИСОДИЙ ЎСИШНИНГ МУҲИМ ЗАҲИРАЛАРИ

Мамлакатимиз бундан йигирма олти йил олдин ўз мустақиллигини эълон қилиб, тарихий тараққиётнинг янги босқичига қадам қўйди. Бу йиллар давомида макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш, иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш, таркибий ислоҳотларни чуқурлаштириш, иқтисодий ресурслардан фойдаланишга қаратилган кенг қамровли чора-тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида барқарор иқтисодий ўсишни таъминланлашга эришилди.

Юқори иқтисодий ўсиш суръатлари мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришнинг ички имконият ҳамда захираларини излаб топиш ва сафарбар этиш, иқтисодиётни таркибий жиҳатдан ислоҳ қилиш, модернизациялаш ва диверсификациялашни чуқурлаштириш, шунингдек, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасини жадал ривожлантириш, ички талабни рағбатлантиришга қаратилган самарали макроиқтисодий сиёsatнинг натижаси ҳисобланади.


Республикамида 2006-2015 йиллар давомида ўртача йиллик иқтисодий ўсиш кўрсаткичи 8,3 фоизни ташкил этгани халқаро ҳамжамият томонидан юқори баҳоланди. Хусусан, жаҳон иқтисодиётида сақланиб қолаётган жиддий глобал муаммоларга қарамасдан, 2015 йилда ҳам Ўзбекистон ўз иқтисодиётини барқарор суръатлар билан ривожлантиришни давом эттирди.

Республикамида 2006-2015 йиллар оралиғида ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръатларидағи энг юқори даража 2007 йилда кузатилган, бунда мазкур кўрсаткич 9,5 фоизни ташкил этган. Айтиш керакки, республикадаги барқарор иқтисодий ўсиш кўп жиҳатдан мамлакатнинг ташқи савдо айланмаси ҳолатига ҳам боғлиқ. Мамлакатимизнинг ташқи савдо айланмаси 1991-2015 йиллар давомида 8,6 марта, жумладан экспорт 7,8, импорт – 9,4 марта ошган. 2015 йилда ташқи савдо айланмасининг ижобий сальдоси 125 миллион доллардан ортиқни ташкил этган.



Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши динамикаси

Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти И.А.Каримов таъкидлаганлариdek: “Жаҳон миқёсида савдо-сотик ишларининг ўсиш суръати сезиларли даражада суствлашгани, экспорт қилинадиган энг муҳим товарларга нисбатан ташқи талабнинг камайиши ва нархларнинг пасайишига қарамасдан, биз ташқи савдо айланмасида ижобий сальдога эришдик. Бу эса давлатимизнинг олтин-валюта захирасини ошириш имконини берди”. Шу билан бирга, таҳлил қилинган даврда экспорт таркибида пахта хом ашёсининг улуши камайиб (7,4%ни ташкил қилиб), тайёр маҳсулотларнинг улуши (хизматлар 21,5%, энергия манбалари 26,0%, озиқ-овқат товарлари 11,9%, кимё маҳсулотлари 4,6%, қора ва рангли металлар 6,9%) ортиб борган.



Ўзбекистон Республикаси ташқи савдоси кўрсаткичлари

Иқтисодиётни ислоҳ қилишни чуқурлаштириш, таркибий ўзгаришларни изчил амалга ошириш макроиктисодий барқарорликни сақлаб қолиш билан бирга иқтисодиётнинг барча тармоқларида, жумладан, номзоднинг датурига Асосий ва муҳим вазифа – 2030 йилга қадар ялпи

ички маҳсулот ҳажмини икки баробардан зиёд кўпайтириш, иқтисодиёт таркибида саноат улушкини 40 фоизга етказиш бўйича аниқ мақсадли дастурлар амалга оширилади. Шу мақсадда кимё саноатини, рангли ва нодир металлар, углеводород хомашёси, мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш, тўқимачилик, чарм-пойабзal, фармацевтика, қурилиш материаллари саноатини ривожлантиришга қаратилган 8 та маҳсус дастур қабул қилинди ва амалга оширилмоқда.

Мамлакатда саноат тармоқларини жадал ва барқарор ривожлантириш, уларнинг экспорт салоҳиятини ўстириш, ишлаб чиқариш корхоналарини техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш, ички бозорни миллий корхоналарда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар билан таъминлаш, мавжуд ресурслардан унумли фойдаланиш, фаол инвестиция сиёсатини амалга ошириш асосида унинг самарадорлиги ва рақобатбардошлигини янада оширишга эришилади. Ушбу стратегик вазифани ҳал этиш учун дастурда Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, саноатнинг умумий ҳажмида қайта ишловчи тармоқларнинг улуси 2010 йилдаги 53,1 фоиздан 2015 йилда 60,1 фоизгача, техник тараққиётни таъминлайдиган тармоқлар-электроэнергетика, машинасозлик, кимё саноатида – 29,3 фоиздан 32,5 фоизгача, истеъмол товарлари ишлаб чиқаришда – 31,4 фоиздан 36,4 фоизгача ўсган бўлса келгусида саноатнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуси 40%га ортиши хисобига тармоқлар орасидаги нисбат ҳам ортади.

2015 йилда иқтисодиётни модернизациялаш ва таркибий ўзгартиришларга барча молиялаштириш манбалари ҳисобига 15,8 млрд АҚШ долларига teng маблағ йўналтирилган ёки 2014 йилга нисбатан ўсиш 9,6 фоизни ташкил этган. Барча инвестицияларнинг 3,3 миллиард доллардан ортифи ёки 21,1 фоизи – хорижий инвестициялар, уларнинг 73 фоиздан ортигини тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ташкил этган. 2015 йилда умумий қиймати 7,4 млрд долларлик 158 та йирик ишлаб чиқариш обьектини қуриш ва ишга тушириш якунланган бўлса Ш.М.Мирзиёевнинг дастурига мувофиқ яқин беш йилда умумий қиймати қарийб 40 миллиард доллар бўлган 657 та инвестиция лойиҳаси амалга оширилади. Бу чоралар саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини 1,5 баробар кўпайтириш имконини беради. Бундан ташқари, маҳаллий хомашёни чуқур қайта ишлаш имкониятига эга бўлган тўқимачилик саноатини янада ривожлантириш бўйича дастурни ишлаб чиқиш якунига етказилди. Қиймати 2 миллиард 300 миллион доллар бўлган 140 та

инвестиция лойиҳасини амалга ошириш вазифаси турибди. Натижада тайёр тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 3 баробар ошади.

Дастурда 2017-2020 йилларда кўп тармоқли фермер хўжаликларини ривожлантириш дастури қабул қилиниши, унга мувофиқ, экин майдонлари оптималлаштирилиши ва пахта экишини босқичмабосқич қисқартириш режаланаётгани таъкидланган.

Давлатнинг иқтисодиётдаги ролини қисқартириш, хусусий мулкни ривожлантириш ва уни ҳимоя қилиш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш вазифаси борлиги ҳақида ҳам тўхтаб ўтилади.

Мустақиллик даврида ялпи ички маҳсулотда кичик ва хусусий бизнеснинг улуши 2000 йилдаги 31 фоиздан 2015 йилда 56,5 фоизгacha ўси. Ушбу соҳада саноат маҳсулотининг учдан бир қисми ишлаб чиқарилган, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 98,4 фоизи етиштирилган, банд аҳолининг 77,9 фоизи меҳнат қилган бўлса, дастурга мувофик

Ўзбекистонда 2017 йилга Бандлик дастури қабул қилинди. 2017–2020 йилларга мўлжалланган Кўп тармоқли фермер хўжаликларини ривожлантириш дастури қабул қилиниб, унинг доирасида экин майдонларини оптималлаштириш ва пахта экишини босқичма-босқич қисқартириш режалаштирилмоқда. Давлатнинг иқтисодиётдаги ролини қисқартириш, хусусий мулкни ривожлантириш ва уни ҳимоя қилиш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш вазифаси мавжуд. Хусусий мулк ва тадбиркорлик ривожига халақит берадиган барча тўсиқ ва чекловларни бартараф этиш зарур. Мамлакат иқтисодиётининг ўсишида катта аҳамиятга эга бўлган 2017–2021 йилларда туризм соҳасини жадал ривожлантириш бўйича алоҳида дастур қабул қилишни режалаштирилмоқда. Дастурда Тадбиркорлар учун кенг имкониятлар яратишни кўзда тутадиган.

Иқтисодиётни таркибий ўзгартириш ва диверсификациялаш чоратадбирларини, ишлаб чиқаришларни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш бўйича тармоқ дастурлари аниқ мақсадни кўзлаб изчил амалга оширилиши натижасида, юқори технологик тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришга йўналтирилган тармоқлар жадал ривожлантирилиши асосий вазифалардан эканлиги доимо таъкидлаб келинган. Ушбу вазифаларни жадаллаштириш мақсадида дастурда “хорижий инвестициялар ва замонавий илғор технологияларни жалб этиш

мақсадида Навоий ва Жиззах вилоятлари ҳамда Ангрен шаҳрида эркин иқтисодий зоналар самарали фаолият кўрсатмоқда. Ургут ва Гиждувон туманларида, Кўқон шаҳрида ҳам эркин иқтисодий зоналар ташкил этиш режалаштирилмоқда. 2017 йилда Янги иш ўринлари ташкил этиш дастури доирасида 390 минг кишини доимий иш жойи билан, 200 минг кишини – қишлоқ хўжалиги ҳамда қурилищда мавсумий ва вақтинчалик иш билан, 309 минг кишини – шахсий ёрдамчи ва дехқон хўжаликлари, хунармандчилик ва оиласи тадбиркорлик ҳисобидан иш билан таъминлаш чоралари кўрилади” деб таъкидланган.

Мустақиллик йилларида қишлоқ хўжалиги ўзининг мустақил тараққиёт йўлига ўтиш жараёнида маълум қийинчиликларни бошидан кечирди. Чунки, ишлаб чиқаришни бир тизимга солиб, иқтисодий имкониятларни ҳисобга олиб, давлат томонидан берилаётган маблағлардан тўғри фойдаланиш, техника таъминоти соҳасида мавжуд бўлган муаммоларга чек қўйиш муҳим масала эди. Мустақиллик йиллари қишлоқ хўжалиги соҳасида амалга оширилган катта ишлардан бири – мулкка бўлган муносабатни тубдан ўзгартириш, хусусий ва шахсий мулкка ҳақоний муносабатни шаклантириш бўлди. Ўзбекистонни иқтисодий жиҳатдан юксалтиришда қишлоқ хўжалигидаги ислоҳотларнинг аҳамияти ниҳоят даражада юксак эканлиги ҳақида Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти И.А.Каримов қуидагиларни қайд этди: “Ҳозирги вақтда айнан иқтисодиётнинг аграр секторида катта-катта захиралар мавжуд уларни ишга солиш яқин вақт ичидаёқ сезиларли натижалар бериши мумкин. Бутун иқтисодий ўзгаришларнинг якуни барқарорлик ва халқ фаровонлиги кўп жиҳатдан туб ўзгаришлар жараёнлари аграр секторни қамраб олишга, қишлоқда ислоҳотлар қанчалик чуқур боришига боғлиқ бўлади”.

Айнан қишлоқ хўжалигига мавжуд захиралардар унумли фойдаланиш мақсадида 2017–2020 йилларга мўлжалланган Кўп тармоқли фермер хўжаликларини ривожлантириш дастури қабул қилиниб, унинг доирасида экин майдонларини оптималлаштириш ва пахта экишни босқичма-босқич қисқартириш режалаштирилмоқда. Давлатнинг иқтисодиётдаги ролини қисқартириш, хусусий мулкни ривожлантириш ва уни ҳимоя қилиш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш вазифаси мавжуд. Хусусий мулк ва тадбиркорлик ривожига халақит берадиган барча тўсиқ ва чекловларни бартараф этиш зарур. Мамлакат иқтисодиётининг ўсишида катта аҳамиятга эга бўлган 2017–2021 йилларда

туризм соҳасини жадал ривожлантириш бўйича алоҳида дастур қабул қилишни режалаштирилмоқда. Дастурда Тадбиркорлар учун кенг имкониятлар яратишни кўзда тутилган.

Шунингдек, 800 га яқин фермер хўжаликлари ва қишлоқ хўжалиги корхоналарига 75 млн АҚШ долларидан зиёд имтиёзли кредит маблағлари ажратилиши натижасида 1500 гектардан ортиқ интенсив боғ ва узумзорлар барпо этилди, 200 гектардан кўпроқ майдонда иссиқхоналар қурилди, умумий ҳажми 5,0 минг тоннадан зиёд бўлган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ва қадоқлаш цехлари ишга туширилди, умумий сифими 25,0 минг тоннадан кўпроқ бўлган музлаткичли омборхоналар фойдаланишга топширилди ҳамда мингдан ортиқ қишлоқ хўжалиги техникалари харид қилинди.



3-расм. Республикада қишлоқ хўжалиги ривожланишининг асосий макроиктисодий кўрсаткичлари, фоизда¹

Аграр тармоқда амалга оширилаётган туб иқтисодий ислоҳотлар ва таркибий ўзгаришлар натижасида қишлоқ хўжалигининг асосий иқтисодий кўрсаткичлари барқарор ўсиб бориш тамойилига эга бўлди. Ўтган 1991-2014 йиллар оралиғида қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг ўртача йиллик ўсиш суръатлари барқарор сақланиб қолди. Хусусан, бу кўрсаткич 2000 йилда 103,1 фоизни ташкил этган бўлса, 2015 йилда 106,8 фоизга тенг бўлди. Мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотида қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти салмоғининг 1991 йилдаги 37,3 фоиздан 2015 йилда 16,6 фоизга пасайиши ижобий ҳолдир. Бу ҳолат мамлакатимиз иқтисодиётида индустрисал саноат тармоқлари ва хизматларнинг жадал ривожланиб бораётгани билан изоҳланади.

¹ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган

Республика аграр тармоғида әкин майдонлари таркибини оптималлаштириш, ишлаб чиқаришга янги ва илғор технологияларни жорий этиш, әкин навлари ва чорва моллари зотини яхшилаш, уруғчиликселекция ишларини тубдан яхшилаш борасида амалга оширилган кенг қамровли ишлар самараси ўлароқ, 1990-2015 йилларда донетишириш 3,7 баробарга яқин, картошка 5 баробар, сабзавот 2,2 баробардан ортиқ, мева 2,6 баробарга, узум 1,3 баробардан ортиқ, гүшт (тирик вазнда) 1,9 баробар, сут 2 баробардан ортиқ ва тухум ишлаб чиқариш 2,4 баробардан кўпроққа ошди.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, республикада қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажмининг ошиши фақат әкин майдонларини кенгайтириш эвазига эмас, балки асосан интенсив ривожланиш, яъни әкинлар ҳосилдорлиги ва чорва моллари маҳсулдорлигини ошириш эвазига таъминланмоқда.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда иқтисодиётни эркинлаштириш, бошқарувнинг бозор тамойиллари ва механизмларини жорий этиш, қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-куватлаш ҳамда унинг ривожланиши ўйлидаги ортиқча ғов ва тўсиқларни бартараф этиш борасида тизимли ишлар босқичма-босқич амалга ошириб келинди. **2-жадвал**

Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулотнинг мулкчилик шакллари бўйича таркиби (%да)²

Кўрсаткичлар	2000	2005	2010	2011	2012	2013	2014	2015	Ўзгариши “+” “-”
Давлат сектори	27,4	23,6	20,4	20,6	16,4	16,7	17,1	16,8	-10,3
Нодавлат сектор	72,6	76,4	79,6	79,4	83,6	83,3	82,9	83, ²	+10,3

Натижада республикада ялпи ички маҳсулот, инвестициялар ва бандликда давлат сектори улуши барқарор пасайиб, нодавлат, шу жумладан, хусусий мулк шакли салмоғи ортиб бориши бир томондан, бозор иқтисодиётига ўтиш ва унинг қарор топиши жараёнини, бошқа томондан, мулкий ислоҳотларнинг самарадорлигини тавсифлайди.

Республикада мулкий ислоҳотларни чуқурлаштириш натижасида 2000-2015 йилларда ЯИМда давлат сектори улуши 1,6 баробарга камайиб, нодавлат мулк шакллари улуши 1,15 баробарга яқин ортган. Ҳозирда

² Ўзбекистон Республикаси йиллик статистик тўплами. – Тошкент, 2012, 35-бет; Ўзбекистон рақамларда. – Тошкент, 2015, 43-бет

ЯИМда мазкур икки сектор улуши нодавлат мулк шакллари фойдасига 4,8;1,0 нисбатни ташкил қилиб, улар ўртасидаги фарқ 2000 йилги кўрсаткич (2,6:1,0)дан 1,8 баробар юқори даражани ташкил қиласди.

Республикада бандликнинг мулкчилик шакллари бўйича тақсимланишида ҳам худди шундай тамойилни кузатиш мумкин. Республикаизда кейинги йилларда иқтисодий фаол аҳоли сонида иқтисодиётда банд бўлмаганлар улуши нисбатан камайиб, банд бўлмаганлар улуши қисман ортиб бориши кузатилади.

2000-2006 йилларда иқтисодиётда банд бўлмаганларнинг иқтисодий фаол аҳоли сонидаги улуши ўртacha 0,4%ни ташкил қилган бўлса, 2007 йилдан бу кўрсаткич 5,0%га етган ва кейинги йилларда ҳам ишсизлик шу даражада сақланиб қолган. Ишсизликнинг бу кўлами унинг табиий даражасини ҳосил қилиб, ўзи билан сезиларли иқтисодий ва ижтимоий оқибатларни келтириб чиқармайди ҳамда республика иқтисодиётида кейинги йилларда амалга оширилган ижобий таркиби ўзгаришлар ҳамда модернизациялаш жараёнининг натижалари ҳисобланади.

3-жадвал

Республика иқтисодиётида бандларнинг мулкчилик шакллари бўйича тақсимланиши (%да)³

Кўрсаткичлар	2000	2005	2010	2011	2012	2013	2014	2015	Ўзгариши “+” “-”
Давлат секторида	24,1	22,8	20,7	19,9	19, ³	18,7	18,1	18,4	-6,0
Нодавлат секторда	75,9	77,2	79,3	80,1	80,7	81,3	81,9	81,6	+6,0
Шу жумладан									
Фуқаролар хусусий мулкчилигига	47,8	61,0	69,0	69,5	70,4	71,1	71,6	72,0	+23,8

Таъкидлаш жоизки, 2003-2015 йиллар мобайнида хорижий давлатлар ва халқаро молиявий муассасаларнинг кредит ва грант маблағлари ҳисобидан умумий қиймати 1310 млн. АҚШ долларлилик 36 та инвестицион лойиха доирасида 760,4 млн. долларлик ишлар бажарилиб, 1635 тадан ортиқ ҳар хил гидротехник иншоотлар, 262 км узунликда суфориш

³ Ўзбекистон рақамларда. – Тошкент, 2015, 60-бет; Ўзбекистонда меҳнат ва бандлик. – Тошкент, 2015. 28-бет.

тармоқлари қурилди, 274 км хўжаликлараро коллекторлар, 745 км ички хўжалик коллекторлари ва 553 км ёпик ётиқ дренажлар реконструкция қилинди.

Республикада ишчи кучи таркибига кирадиган меҳнатга лаёкатли аҳолининг ўртача 25-30 фоизи унинг иқтисодий нофаол қисмини ташкил қилган. Республика иқтисодиётидаги банд бўлганларнинг мутлоқ сони 2006 йилдаги 8983,0 мингдан 2014 йилда 12818,4 минг кишига (ёки 142,7 фоизга) ортиб, иқтисодий фаол аҳоли таркибидаги улуши бироз камайган (4,5%га) бўлсада, унинг таркибида бозор муносабатларининг характеристига мос бир қатор ижобий тамойиллар рўй берган.

Жумладан, таҳлил қилинган даврда иқтисодиётнинг давлат секторида банд бўлганлар улуши 24,1 дан 18,1 фоизга қисқариб, нодавлат секторида банд бўлганлар улуши шунга мос равишда 75,9 дан 81,9 фоизга ўсган.

Бандликда давлат ва нодавлат секторлар улуши нисбатида катта ўзгаришлар кузатилмасада (давлат секторида бандлик 33% га камайиб, нодавлат секторида 8,0% га ортган) уларнинг нисбий улуши кейингиси фойдасига 1,0:3,1 дан 1,0:4,5 нисбатга ортган. Нодавлат мулк шакллари ичida фуқаролар хусусий мулкчилигига бандлик энг юқори улушни ташкил қилиб (2014 йилда 71,6%), бу кўрсаткичлар нисбий салмоғи 2000-2015 йилларда 1,5 баробар кўпайган.

4-жадвал

Республикада асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг мулкчилик шакллари бўйича тақсимланиши (% ҳисобида)⁴

Кўрсаткичлар	2000	2005	2010	2011	2012	2013	2014	2015	Ўзгариши “+” “-”
Давлат мулки	63,9	30,9	21,8	22,6	22,3	20,7	19,1	17,5	-44,8
Нодавлат мулки	36,1	69,1	78,2	77, ⁴	77,7	79,3	80,9	82,5	+44,8
		Шу жумладан:							
фуқароларнинг хусусий мулки	15,6	12,9	17,2	19,4	20,8	20,2	20,6	21,9	+5,0
хўжалик бирлашмалари	12,7	33,3	28,4	29,6	28,6	30,4	32,3	34,5	+19,6
кўшма корхоналар, чет эл фуқаролари ва ташкилотлари	6,5	16,6	28,5	23,1	21,3	21,7	20,2	18,9	+13,7
бошқа корхоналар	1,3	6,3	4,1	5,3	7,0	7,0	7,7	7,2	+6,4

⁴ Ўзбекистон Республикаси йиллик статистик тўплами. – Тошкент, 2012 йил. 262-бет; Ўзбекистон рақамларда. – Тошкент, 2015. 154-155 бет.

Ўзбекистон иқтисодиётининг мулкий тузилишидаги анча катта ўзгаришлар асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг алоҳида мулк шаклларига тақсимланиш нисбати ўзгаришида кузатилди

Республикада ўрганилган даврда давлат мулки субъектлари асосий капиталига киритилган инвестициялар улуши 3,3 баробардан кўпроқقا камайиб, нодавлат мулк шаклларида бу кўрсаткич 2,2 мартадан кўпроқقا ортган. Инвестициялардаги бу икки мулк шаклларининг солиштирма улуши 2000 йилда давлат мулки фойдасига 1,77;1,0 нисбатни ташкил қилган бўлса, 2014 йилда мазкур кўрсаткич нодавлат мулк шакллари фойдасига 1,0:4,23 нисбатга ўзгарган. Инвестицияларнинг мулк шаклларига тақсимотидаги бу қарама-қарши ўзгариш кўп жиҳатдан давлат бюджети ҳисобига амалга ошириладиган инвестициялар улушининг узлуксиз камайиб (2000 йилдаги 29,2% дан, 2014 йилда 4,5 % гача), четдан жалб қилинадиган инвестицияларда унинг тўғридан-тўғри киритиладиган шакли улуши тўхтовсиз ортиб бориши (2000 йилдаги 29,2% дан, 2014 йилда 78,6%га) натижаси ҳисобланади.

Республикада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантиришга қаратилган чора-тадбирлар натижасида 2014 йилда 20 мингдан ортиқ янги кичик бизнес субъектлари ташкил этилиб, уларнинг умумий сони 195 мингдан кўпроқка етган. ЯИМ ни шакллантиришда бу соҳанинг улуши 2000 йилдаги 31%дан, 2014 йилда 56% га ортган. 201⁵ йилда яратилган янги иш ўринларининг ярми (500 мингдан ортиқ) кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка тегишли бўлган. Ҳозирги кунда бу соҳага барча банд бўлганларнинг 77,5 % тўғри келади⁵.

Истиқболда ҳам “...кўп тармоқли иқтисодиётимизнинг устувор соҳалари бўлмиш хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликни тез суръатлар билан ривожлантириш йўлидан барча ғов ва тўсиқларни йўқ қилиш, уларнинг эркинлигини таъминлаш...”⁶ энг муҳим масалалардан бири бўлиб қолади.

⁵ И.А. Каримов. “2015 йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш –устувор вазифамизdir”. – Т.: “Ўзбекистон”, 2015, 8-бет.

⁶ И.А. Каримов. “Мамлакатимизни демократик янгилаш ва модернизация қилишга қаратилган тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириш – бош мақсадимизdir”. – Т.: “Ўзбекистон”, 2015. 17-бет.

5-жадвал

Ўзбекистон ялпи ички маҳсулоти ва инвестицияларнинг ўсиш суръатлари динамикаси⁷

Йиллар	ЯИМ (млрд. АҚШ доллари)	Олдинги йилга нисбатан фоиз хисобида	Инвестициялар (млрд. АҚШ доллари)	Аввалги йилга нисбатан, фоиз хисобида
2005	12,2	7,0	2,9	107,0
2006	15,2	7,5	3,3	109,1
2007	17,0	9,5	4,7	123,0
2008	22,3	9,0	6,5	128,3
2009	28,1	8,1	8,2	124,8
2010	32,1	8,5	9,7	113,6
2011	38,7	8,3	10,8	111,2
2012	45,9	8,2	11,7	111,6
2013	49,6	8,0	13,0	111,3
2014	53,3	8,1	14,6	110,9
2015	62,6	8,0	15,8	117,4

Мустақилликнинг дастлабки йилларида ҳукумат томонидан иқтисодиётга хорижий инвестицияларни жалб этиш тадбирларини амалга ошириш тамойиллари ишлаб чиқилди. Мазкур тамойиллар асосида мамлакатимизда қатор ижобий ишлар амалга оширилди, жумладан, ички валюта бозорини янада эркинлаштириш ва жорий ҳалқаро операциялар бўйича миллий валютанинг конвертация қилиниши таъминланди, ташки иқтисодий фаолиятни эркинлаштириш бўйича аниқ мақсадни кўзлаб сиёsat юритиш асосида, бу фаолиятларни тартибга солувчи меъёрий-ҳуқуқий асослар яратилди.

Давлат томонидан инвестицион фаолликни қўллаб-куватлаш натижасида унинг миқдори юқори ўсиш суръатларига эга бўлди. Жумладан, инвестицияларнинг ўсиш кўрсаткичи 2005-2015 йиллар оралиғида 107,0 фоиздан 117,4 фоизга етган, инвестициялар ҳажми мазкур йиллар даврида 2,9 млрд. АҚШ долларидан 14,6 млрд. АҚШ долларини ташкил қилиб, 2005 йилга нисбатан 5 мартаға ортган. Бу ҳолат инвестицияларнинг ЯИМдаги салмоғи ўсишига олиб келди, жумладан,

⁷ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг статистик маълумотлари (www.stat.uz).

инвестицияларнинг ЯИМдаги улуши 2005 йилда 19,1 фоизни ташкил этган бўлса, 2014 йилга келиб у 24,5 фоизга кўтарилиган.

Кейинги йилларда миллий иқтисодиётга жалб этилаётан инвестициялар манбалари ва улардан фойдаланиш борасида ижобий сифат ўзгаришлар рўй бермоқда. Жумладан, иқтисодиётга жалб этилган хорижий инвестицияларнинг умумий ҳажмида тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг салмоғи ўсиб бориши тамойилига эга. Натижада 2014 йил 1 январь ҳолатига хорижий инвестицияларнинг жами капитал қўйилмалар таркибидаги улуши 19,8 фоизни, жумладан, хорижий инвестициялар таркибида тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар 75 фоизни ташкил этди (бжадвал). Бу эса иқтисодиётни модернизациялаш нуқтаи назаридан ижобий ҳолат ҳисобланади.

6-жадвал

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётига жалб этилган хорижий инвестицияларнинг динамикаси⁸, фоиз ҳисобида

Кўрсаткичлар	Йиллар						
	2005	2010	2011	2012	2013	2014	2015
Хорижий инвестицияларнинг умумий инвестициялар ҳажмидаги салмоғи	21,7	28,3	21,5	20,4	19,3	19, ⁸	21,0
Тўғри хорижий инвестицияларнинг хорижий умумий инвестициялар ҳажмидаги салмоғи	68,5	87,0	78,8	79,0	72,0	75,0	73,0

2015 йилда ана шу мақсадларга барча молиялаштириш манбалари ҳисобидан 15 миллиард 800 миллион АҚШ доллари миқдорида инвестициялар жалб этилди ва ўзлаштирилди. Бу 2014 йилга нисбатан 9,5 фоиз кўп демакдир. Жами инвестицияларнинг 3 миллиард 300 миллион доллардан зиёди ёки 21 фоиздан ортиғи хорижий инвестициялар бўлиб, шунинг 73 фоизи тўғридан-тўғри чет эл инвестицияларидир. Инвестицияларнинг 67,1 фоизи янги ишлаб чиқариш қувватларини барпо этишга йўналтирилди. Бу эса 2015 йилда умумий қиймати 7 миллиард 400

⁸ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг статистик маълумотлари (www.stat.uz).

миллион доллар бўлган 158 та йирик ишлаб чикариш обьекти қурилишини якунлаш ва фойдаланишга топшириш имконини берди.

Мамлакатимиз ва хорижий инвесторлар учун яратилган қулай инвестиция муҳити туфайли аҳоли жон бошига тўғри келадиган инвестиция миқдори 2000 йилдаги 105,2 АҚШ долларидан 2015 йилда 500,2 АҚШ долларига етиши таъминланди.

Жаҳон иқтисодиёти глобаллашиб, савдо йўлидаги тўсиқлар камайиб, солиқ қонунчилиги ва тартибга солувчи режимлар эркинлашиб бораётган ҳозирги шароитда четдан киритиладиган инвестиция оқимлари тез суръатлар билан ўсмоқда. Биргина 2015 йилда Ўзбекистон иқтисодиётига йўналтирилган хорижий инвестициялар ҳажми 3 миллиард 300 миллион долларни ташкил этган. Бу эса, 2015 йилда барча манбалар ҳисобидан йўналтирилган жами инвестицияларнинг 21 фоизини ташкил қилиб, шунинг 73 фоизи тўғридан-тўғри хорижий инвестициялардир. Жалб этилган инвестицияларнинг 647,8 миллион АҚШ доллари ҳудудий дастурлар доирасида ўзлаштирилган. Инвестиция соҳасидаги ушбу ижобий ўзгаришлар мамлакатда қулай инвестиция муҳити яратилганлигидан далолат беради.

Иқтисодиётимизнинг жадал ва мутаносиб ривожланиб бораётгани аҳоли ҳаёт даражаси ва сифатини изчил ошириш учун мустаҳкам замин яратмоқда. Бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсия ва стипендиялар ҳажми ўтган йили 23,2 фоизга ошди. Аҳолининг жон бошига тўғри келадиган реал даромадлар эса 10,2 фоизга кўпайди.

Аҳоли даромадлари таркибида тадбиркорлик фаолиятидан олинаётган даромадлар улуши тобора ортиб бормоқда. Мустақиллик йилларида бу борадаги кўрсаткич 10,6 фоиздан 52 фоизга ўсди. Бу Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларидағи энг юқори кўрсаткичлардан биридир⁹.

Ўзбекистонда даромадлар даражаси бўйича аҳолининг кескин табақаланиш ҳолати мавжуд эмаслиги алоҳида эътиборга лойиқ. Энг кўп ва энг кам даромад оладиган аҳоли ўртасидаги фарқ 2000 йилдаги 53,3 баробардан бугунги кунда 7,8 баробарга тушди. Жамиятда ижтимоий барқарорликнинг мезони ҳисобланган бу кўрсаткич халқаро меъёрларга кўра, 10 баробар қилиб белгиланганини айтиб ўтиш лозим.

⁹ И.А.Каримов. 2015 йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир //“Халқ сўзи” газетаси. 2015 йил 17 январь, № 14.



4-расм. Аҳоли жон бошига тўғри келадиган инвестициялар, АҚШ доллари ҳисобида¹⁰

Жаҳон тажрибасида жамиятда ижтимоий табақаланиш ва хавфсизлик даражасини баҳолашнинг яна бир мезони – Жини индексидан кенг фойдаланилади. Мисол учун, Ўзбекистонда мустақиллик йилларида Жини индекси кўрсаткичи 0,40 дан 0,296 га пасайди. Бу натижа, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти тавсияларига биноан 0,35-0,37 миқдорида белгиланган халқаро стандартлар нуқтаи назаридан қараганда, аҳолининг ижтимоий фаровонлиги муттасил ўсиб бораётганидан далолат беради.

Ўзбекистон иқтисодиётини ислоҳ этиш, либераллаштириш ва модернизация этиш, унинг таркибий тузилишини диверсификация қилиш бўйича ҳар томонлама чуқур ўйланган, узоқ истиқболга мўлжалланган сиёsatнинг амалга оширилиши ана шу йилларнинг барчасини ўзаро боғлайдиган ҳал қилувчи асос, ўзак, бўғин бўлиб хизмат қилди.

Ўзбекистонда қабул қилинган, «ўзбек модели» деб ном олган, ижтимоий йўналтирилган эркин бозор иқтисодиётига ўтишнинг иқтисодиётни мафқурадан холи этиш, унинг сиёsatдан устунлигини таъминлаш, давлатнинг бош ислоҳотчи вазифасини бажариши, қонун устуворлигига эришиш, кучли ижтимоий сиёsat юритиш, ислоҳотларни босқичма-босқич ва изчил амалга ошириш каби машҳур беш тамойилга асосланган ўзига хос йўли – буларнинг барчаси, ўзининг нечоғлик тўғри ва ҳаётий эканини исботлади.

¹⁰ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг статистик маълумотлари (www.stat.uz).